УДК 82.929

ЧЎЛПОН ПУБЛИЦИСТИКАСИ ВА ТАРЖИМОНЛИК ФАОЛИЯТИГА ДОИР ЯНГИ АНИҚЛАНГАН МАНБАЛАР ХУСУСИДА

Д.Ҳ.Қуронов, И.А.Мадғозиев

Мақолада Абдулҳамид Чўлпон ҳаёти ва ижодий фаолиятига доир янги маълумот ва манбаларни излаб топиш йўлида Москва шаҳридаги кутубхона ва архив фондларида олиб борилган илмий изланишлар натижалари тақдим этилган. Жумладан, унинг шарқ муттоз адабиёти, ўзбек театри ва матбуоти тарихига бағишланган мақолалари, рус ва Европа адабиётидан амалга оширган қатор таржималари, шунингдек, Чўлпон асарларининг рус тилига дастлабки таржималари билан боғлиқ янгиликлар хусусида илк бор илмий ахборот берилган.

Калит сўзлар: *илмий экспедиция, архив, кутубхона, газета, манба, таржима, дарслик, хрестоматия, библиография.*

В статье представлены результаты научных исследований, проведенных в библиотечных и архивных фондах города Москва с целью поиска новых сведений и источников, относящихся жизни и творческой деятельности Абдулхамида Чулпана. В частности, впервые представлена информация о его остававшихся неизвестными статьях по истории классической литературы Востока, по истории узбекского театра и наиональной печати; о ряде переводов из русской и европейской литературы, а также о первых переводах произведений Чулпана на русский язык.

Ключевые слова: *научная экспедиция, архив, библиотека, газета, источник, перевод, учебник, хрестоматия, библиография*.

Қатағонга учраган кўплаб ижодкорларимиз каби Чўлпон ҳаёти ва ижодига оид факт ва маълумотлар ҳам яхлит ҳолда – ёзувчи архиви шаклида сақланиб қолмаган. Уларнинг бир қисми ўз вақтида даврий нашрларда чоп қилинган – турли кутубхоналар фондларида сақланиб турган газета-журнал тахламларини титкилаб йиғишга зарурат бор. Бироқ мамлакатимиздаги кутубхоналар фондларида мазкур газета-журналларнинг ҳамма сонлари ҳам сақланиб қолган эмас; сақланган сонлардан айримларининг варақлари йиртиб олинган, баъзан эса алоҳида бир материал қирқиб олинган ёки материалнинг бир қисми ўқиб бўлмайдиган аҳволга келган. Мазкур ҳол материалларни хориждаги кутубхоналар фондларидан ҳам излаш заруратини юзага келтиради. Шуни назарда тутган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг “Чўлпон ҳаёти ва ижоди манбаларининг электрон платформаси ва мобил иловасини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида Москва шаҳридаги кутубхона фондларида тадқиқотлар олиб бориш кўзда тутилган бўлиб, жорий йил июль ойида бу режа амалга оширилди. Экспедиция давомида Россия давлат кутубхонасининг Химки шаҳридаги газеталар фондида ҳамда Шарқ адабиётлари маркази (ЦВЛ)да изланишлар олиб борилди. Натижада Чўлпоннинг ҳозирга қадар маълум бўлмаган ёки маълум бўлса ҳам қўлимизда матни йўқ айрим асарлари топилди.

Жумладан, Чўлпоннинг “Фузулийнинг пичинглари” номли мақоласи шу чоққача қайта эълон қилинмаган, адибнинг мақолаларидан таркибланган “Адабиёт надир?” (1993) тўпламига ҳам, тўрт жилдлик асарлар тўпламига ҳам киритилмаган. Сабаби, мамлакат кутубхоналарида ушбу мақола эълон қилинган “Гулистон” журналининг ҳамма сонлари ҳам сақланиб қолган эмас, “Турон” кутубхонасидаги тахламда эса матн чала: дастлабки икки саҳифаси бор, муаллиф кўрсатилган охирги қисми йиртиб олинган. Тўғри, “Гулистон” журналининг чоп этилган янги сони ҳақида “Қизил Ўзбекистон”да берилган анонсда ушбу сондан Чўлпоннинг “Фузулийнинг пичинглари” мақоласи жой олгани қайд этилган [6. Б. 4]. Ўз вақтида ўзбек-озарбайжон адабий алоқаларига бағишланган “Ҳамкорликда гап кўп” номли чиқишида [13] Чўлпон мақоласини тилга олиб ўтган Ш.Турдиев ҳам, фикримизча, мақоланинг

тўлиқ матни билан таниш бўлмай, шу анонс ва сақланиб қолган қисми билан кифояланган [13. Б. 30]. Акс ҳолда, ўтган аср охирларида жуда кўп асарларни қайта эълон қилиб ҳақиқий эгалари – ўқувчиларига омонат етказган марҳум устоз мақолани албатта эълон қилган бўлур эди. Изланишларимиз давомида "Фузулийнинг пичинглари" мақоласининг тўлиқ матни топилиб, унинг сканер нусхаси олинди, насиб қилса, яқин вақтларда қайта эълон қилиш ниятидамиз. Муҳими, бу мақола шеърларига Фузулий сатрларини эпиграф қилиб, турли муносабатлар билан асарларида номини зикр этган Чўлпоннинг улуғ озарбайжон шоири билан маънавий алоқалари ҳақидаги тасаввуримизни бойитади.

Чўлпоннинг "Ўзбек саҳнаси" номли мақоласи 1926 йилда Москвада чоп этилган "Ўзбек халқ календари" номли хотира китоби (эсдалик китобчаси)да берилган. Ушбу мақола матни ҳам ҳозирга қадар топилмаган, шу сабабли чўлпоншуносликнинг тадқиқ объектига айланган эмас. Ҳолбуки, унда Чўлпоннинг ўзбек театри тарихи билан боғлиқ ўзига хос қараши, илмий нуқтаи назари акс этган. Ўз вақтида бу хусусда Миёнбузрук Солиҳов "Ўзбек театр тарихи учун материаллар" номли китобида махсус тўхталиб ўтган: "Биринчи ўзбек театри ва ўзбек пьесасини белгилашда фикрлар турличадир. Ўзбекча пьесалар қўюла бошлаганда ва театру ҳаёти ўйғонган замонда юрган фикрларга қарағанда, биринчи ўзбек театри "Падаркуш" пьесасининг қўюлиши билан бошланган дейилади. У даврнинг ҳамма матбуоти, ҳатто давлат газеталари ҳам "Падаркуш" қўюлғанда ёзган хабар ва мақолаларда "биринчи театр" унвони билан ёзганлар. Аммо маълум шоир Чўлпон 1927 йилда "Ўзбек халқ календари" номли тўпламда нашр этилган "Ўзбек саҳнаси" номли мақоласида биринчи ўзбек пьесаси қилиб "Маҳрамлар" пьесасини кўрсатган. Ҳатто "Падаркуш"нинг биринчи театр деб айтувни нотўғри деб ўз таъбири билан "Ўзбек театру тарихига ўнглаш" киргизган." [10. Б. 69]. Айтиш керак, биз Чўлпоннинг ушбу мақоласини, аниқроғи, "Ўзбек халқ календари" номли китобни М.Солиҳов келтирган юқоридаги маълумотдан туртки олган ҳолда изладик ва топишга муваффақ бўлдик. Фақат шуни ҳам қайд этиш жоизки, М.Солиҳов китоб устида ишлаган пайти Чўлпон мақоласини қайта кўриб чиқмагандек, хотираси асосида ёзаётгандек кўринади. Сабаби, Чўлпон мақолада "Падаркуш"ни "биринчи театр деб айтувни нотўғри деб ўз таъбири билан "Ўзбек театру тарихига ўнглаш" киргизган" эмас. Аксинча, айнан шу асар ўзбек театрининг ибтидоси бўлганини таъкидлайди: "Ўзбекларда театр – саҳна ҳаракати Маҳмудхўжанинг "Падаркуш"и билан, томошанавислик (драматургия) эса "Маҳрамлар"дан ва балки Фитратнинг аввал форс тилида ёзилиб, Истанбулда босдирилған "Мунозара"сидан бошланди деб, ўзбек театрининг тарихига кичкинагина бир "ўнглаш" (поправка) киргизгандан кейин, кейинги даврлар тўғрисида ўтамен" [14. Б. 42]. Кўриб турганимиздек, Чўлпон театр билан драматургияни фарқлаш асосида тарихий ҳақиқатни тиклашга интилади: Беҳбудий драмасининг аҳамиятини асло камитмагани ҳолда "Маҳрамлар"нинг ҳақини ҳам тўкис адо этади. Тўғри, "Мунозара"нинг бу сирага қўшилгани баҳсли, бироқ жумладаги "балки" Чўлпон бу фикрида қатъий эмаслигини, буни бир эҳтимол ўлароқ тилга олаётганини кўрсатади. Хуллас, агар ўтган асрнинг 20–30-йилларда ёзилган театр тарихига оид манбаларда Чўлпон кўтарган масала бўйича турлича қарашлар борлиги ҳисобга олинса, эндиликда уларни бир бутун ҳолда ўрганиш имконияти пайдо бўлдики, бу топилманинг аҳамиятини кўрсатади.

"Ўзбек халқ календари"дан Чўлпоннинг "Матбуотимиз" деб номланган мақоласи ҳам ўрин олган. Унда ўқувчига ўзбек матбуоти ҳақида умумий маълумот берилади. Матбуотимиз тарихи бўйича манба сифатида қаралиши мумкин бўлган бу мақола, бизнингча, энг аввал муаллифининг "субъектив назари" билан алоҳида аҳамият касб этади. Гап шундаки, муаллиф ниҳоятда эркин фикр юритади ва муносабатини ҳам эркин ифодалайди. Жумладан, мана бу йўсинда: "Бизда биринчи мартаба чиққан газета 1905 нчи йил тўпалангларидан бевосита кейин. Қўлимда тайёр дастак бўлмағани учун "Хуршид", "Тужжор", "Тараққий" газеталарининг қайси йилда чиққанларини аниқ айта олмайман" [11. Б. 44]. Дарҳақиқат, матбуотимиз ҳақида материал тайёрлаб беришга чоғланган одамнинг "аниқ айта олмайман" дея тан олаётгани ҳам ўзини ғоят эркин тутаётганидан далолат беради. Яна бир жиҳати, Чўлпон фактларни хаспўшламайди, миллий матбуотни юзага келтирган ижтимоий омилни – "1905 нчи йил тўпалангларидан бевосита кейин"ги шароитни таъкидлаб айтади. Эътибор беринг, у миллий матбуотнинг пайдо бўлишини бевосита жадидчилик ҳаракати

билан боғлаши, бирламчи омил ўлароқ шуни кўрсатиши ҳам мумкин эди. Лекин Чўлпон жуда яхши биладики, 1905 йил тўполонларидан кейинги шароит оқподшони *сўз, фикр, эътиқод, матбуот* эркинлиги каби ҳуқуқларни беришга мажбур этган, айни шу нарса бизда бирин-кетин газеталар чоп этила бошланишига туртки бўлган. Яъни Чўлпон имкон туғилганида ўзи мансуб ҳаракатни алқаш йўлини эмас, ҳақиқатга содиқлик йўлини танлайди.

Чўлпон "ўзбек матбуоти" деганда "ўзбек халқи тушуниб – ўқуйтурған газета ва мажмуаларни" тушуниш керак деб ҳисоблайди. Шунинг учун тор маъносида бу тушунчага кирмайдиган омилларни ҳам эслатиб ўтади. Жумладан, у қарийб эллик йиллик тарихга эга "умум турк-татар матбуоти"га ўзбек матбуотидан ташқарида деб қарамайди. Бу фикрини асослаш учун қирқ йилдан бери босилувчи "Таржумон" газетасини "чиққан кунидан тортиб ўқуған ўзбеклар йўқ эмас"лигини, "умум турк-татар матбуоти ўзбеклар ҳисобига анчагина "тираж" қозонғани"ни эслатади. Шунинг учун ҳам "ярим асрлик бир борлиққа эга бўлған умум турк-татар матбуотини ўзбек матбуоти тарихиға тиркаб ўтсак, ҳақсиз бўлмаймиз" деб билади.

Шунингдек, Чўлпон "Туркистон вилояти газети"ни ҳам ўзбек матбуоти сирасида кўради. Зеро, "миссиёнер Остроумоф" газетаси бўлгани учун жадид матбуоти "унга ёмон қараб келган" бўлса-да, у "ўзбек тилида чиқар эди; унинг эскирак сонларида осон ўзбек тили билан ҳар хил фанний маълумотлар берилган. Ёғмурнинг булутдан ёққанлиғи, булутнинг мутлоқ буғдан вужудга келиши жуда енгил ва содда тил билан тушунтирилган". Кўрамизки, Чўлпон "Туркистон вилояти газети" мустамлакачилик сиёсатию миссионерлик мақсадига хизмат қилганидан кўз юммайди, айни пайтда унинг миллат учун манфаатли томонларини ҳам эътироф этади. Чўлпон бу фикрига кўпчилик эътироз қилиши мумкинлигини ҳис қилади, шунинг учун ҳам уларга қарата: ахир "у "ёмон" газетанинг тарихи чакана эмас. Бизнинг бу кунги чин инқилобчи Мирмуҳсин ўртоғимиз ўзининг биринчи ёзувларини ўша газетада бостурған эса, ҳатто Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳам унга баъзи нарсалар ёзған эса... Нима дейсиз?" – дея хитоб этади. Чўлпон мазкур фактларни қайд этгач, "чор-ночор шу ҳақиқатни ҳам қабул қилиб, биз учун саропо қинғир тилаклар тилаган у газетага ҳам тарихимиздан озроқ жой бериб ўтамиз-да!" деган хулосага келади. Тан олиш керак, Чўлпоннинг ўзбек матбуоти тарихига доир қарашлари илмий холислиги, объективлиги билан ажралиб туради. Эсланг, шўро замонида "Туркистон вилояти газети" кўп тилга олинар, ўзбек тилидаги матбуотнинг қалдирғочи ўлароқ эътироф қилинарди. Истиқлол арафаларидан бошлаб миллий матбуотимиз тарихини 1906 йилдан бошлаб белгилайдиган бўлдик. Ҳолбуки, бу масалада Чўлпон мақолада келтирган "дастак" (факт)лар жиддий ўйлаб кўришга лойиқдир.

Газета-журнал тахламларини варақлаш асносида айрим асарларнинг Чўлпонга янглиш нисбат бериб келинаётгани аниқланди, бу билан адиб библиографиясига аниқлик киритилди. Жумладан, Н.Йўлдошев томонидан тузилган "Чўлпон ҳаёти ва ижоди библиографияси"да "Қизил Ўзбекистон" газетасининг 1937 йил 10 февраль сонидаги "Доҳийдан ўрганиш" номли мақола Чўлпонники сифатида қайд этилган [7. Б. 20]. Бироқ газетанинг мазкур сонидаги шу номли мақола остида Ойбек имзоси билан чоп қилинган. Шунга ўхшаш, "Бадиий адабиёт ўзбек тилига таржимада" номли библиографик кўрсаткичда Мещеряковнинг "Кешиннинг ўртоғи" номли ҳикояси таржимаси ҳам янглиш Чўлпонга нисбат берилган [5. Б. 88]. Аслида, мазкур ҳикоянинг ўзбекча таржимаси Ф.Сайфий томонидан амалга оширилган.

1927 йилдан кейин Чўлпон ўзидаги ижодий қувватнинг катта қисмини таржимага сарфлагани маълум. Унинг таржима соҳасидаги фаолияти ғоятда сермаҳсул. Афсуски, то ҳозирга қадар ҳам Чўлпон ўзбекчалаштирган асарлар рўйхати мукаммал эмас: унга кирмай қолган ёки юқоридаги каби янглиш кириб қолган асарлар ҳам талайгина. Профессионал таржимон ўлароқ тан олинган Чўлпонга даврий нашрлар, нашриётлар у ёки бу асар таржимасини буюртма қилиб турган. Бироқ у амалга оширган таржималар фақат даврий нашрлар ёки хорижлик адибларнинг ўзбек тилидаги китобларидагина эмас, турли мажмуалар, дарсликларда ҳам чоп қилинган. Шулардан бирига кенгроқ тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Ж.Шарифий томонидан тузилиб, 1937 йилда чоп этилган адабиёт хрестоматиясининг 2-қисмига А.Пушкиннинг "Бир поп ва унинг хизматкори Балда ҳақида эртак" асари Чўлпон таржимасида киритилган. Шуниси борки, бизда Пушкиннинг мазкур асарини ўзбек тилига Элбек ўгирган, деган фикр кўпроқ оммалашган.

Сабаби, Элбек ҳақиқатан ҳам бу асарни таржима қилган ва у “Қизил Ўзбекистон” газетасида чоп этилган. Агар “Қизил Ўзбекистон”нинг катта тиражли марказий газета экани ҳисобга олинса, эл эртакнинг таржимони деб Элбекни таниши табиий, албатта. Матбуот қатағон қилинган адиблар ҳақида пайдар-пай материаллар бериб турган бир вақтда – 1990 йилда эълон қилинган мақоласида Ш.Турдиев Пушкиннинг мазкур асари Элбек томонидан таржима қилинганини қайд этганидан кейин бу фикр барқарорлашди. Фикримизча, Н.Йўлдошев библиографиясида ушбу асарнинг қайд этилмагани бу маълумотдан бехабарлик ёки аниқ маълумотга эга эмаслик, яъни манбани кўрмаганлик билан изоҳланади. Бу ўринда “ёки”га ўрин қолдирганимиз сабаби, Чўлпоннинг таржимонлик маҳорати тадқиқига бағишланган диссертациясида (1993) Т.Раҳимов адиб таржималари қаторида Пушкин эртагини ҳам санаган [9. Б. 24], бироқ аниқ манба кўрсатган эмас. Яъни бу асарни Чўлпон ҳам таржима қилган, деган фикр борлигини билса-да, аниқ манба йўқлиги учун Н.Йўлдошев буни тахмин санаган ва библиографияга киритмаган кўринади. Манба маълум бўлмагани учун ҳам яқиндагина эълон қилган мақоласида Д.Абдуллаева ушбу масалага нуқта қўйишга ҳаракат қилганди: “Айрим манбалардаги маълумотларга кўра “Поп ва унинг хизматкори Балда ҳақидаги эртак” таржимаси ҳам Чўлпон томонидан амалга оширилган дейилган. Бироқ бу эртакни шоир Элбек таржима қилган” [1. Б. 595].

Чўлпон таржимасининг оммалашмаганига яна бир жиддий сабаб борки, Ж.Шарифий тузган хрестоматиянинг чиқиш маълумотларига диққат қилинса, буни англаб олиш қийин эмас. Чиқиш маълумотларида хрестоматия 1937 йил 28 февралда босмахонага берилгани, шу йилнинг 9 майида босишга рухсат этилгани, 80000 нусхада чоп қилингани қайд этилган. Яъни, босишга рухсат этилганидан икки ой ўтибоқ Чўлпон ҳибсга олинган. Аён бўладики, китоб тиражининг ҳали тўла босилиб ҳам улгурмагани эҳтимоли катта, табиийки, унинг тарқалиши ҳам шунга яраша бўлган.

Шу ўринда яна бир нарсага диққатни жалб этиш мақсадга мувофиқ: махсус библиографик кўрсаткичда Пушкиннинг “Поп ва унинг хизматкори Балда ҳақидаги эртак” асари Ойбек томонидан ҳам таржима қилиниб, 1937 йилда китоб ҳолида чоп этилгани қайд этилган [19. Б. 21]. Маълум бўладики, бир-икки йил ичида асар учта катта шоиримиз томонидан ўгирилган: бири газета учун, яна бири ўқув адабиёти учун, тағин бири алоҳида китобча учун. Бундай ҳол эса, табиийки, ижодий рақобат муҳитини пайдо қилиб, пировардида таржима сифатининг ортишига хизмат қилади. Фақат, бу ўринда ҳар учала таржимон ҳам моддий рағбатлантирилгани, учаласига ҳам ўз даври учун муносиб қалам ҳақи тўланганини унутмаслик керак. Яъни нашриёт ва даврий нашрларимиз таржима асарларни чоп этиш сиёсатини юритишда шундан ибрат олсалар, бадиий таржимачилик учун кўп фойдали бўлур эди.

Чўлпон таржима қилган асарлар саналганда “Дон Кихот” деярли тилга олинмайди. Ҳолбуки, Сервантес яратган мазкур асар ҳам Чўлпон томонидан ўзбекчалаштирилгани ҳақида етарли маълумотлар бор. Жумладан, таниқли таржимон М.Салье Тошкентга хизмат сафари юзасидан берган ҳисоботида: “Масалан, Сервантеснинг “Дон Кихоти”ини таржима қилиш ёзувчи Чўлпонга таклиф қилинган, у рози бўлган, лекин ҳар бир **лист** учун 500 рубл сўраган”, – деб ёзади [8. Б. 48]. Биз бу ўринда “лист” сўзини атай таржима қилмадик, чунки уни “саҳифа” деб ҳам, “печатний лист” (босма тобоқ) деб ҳам тушуниш мумкин. Фикримизча, кейинги маънода тушунилгани тўғрироқ бўлади. Шербек Алиев “халқ душманлари”ни қоралаш кампанияси доирасида эълон қилган “нашриёт соҳасидаги зиёнчилар”ни фош этувчи мақоласида айтган мана бу гап ҳам шунга далолат қилади: “Масалан, миллатчи Чўлпон “Дон Кихот”нинг таржимасини ишламагани ҳолда 4 минг сўм пул олган” [3. Б. 2]. Дарҳақиқат, роман учун 8 босма табоқ ҳажмида аванс олинган бўлиши эҳтимоли ҳақиқатга яқинроқ. Эътибор қилинса, мақола муаллифи Чўлпон пулни олгани билан таржимага қўл урмаганини даъво қилаётгани яққол кўринади. Ҳолбуки, Чўлпон таржимани амалга оширган ва у Шарифа Абдуллаева тайёрлаган 9-синф учун адабиёт хрестоматиясига киритилган. Муаммо шундаки, хрестоматиянинг қўлимизда мавжуд 1938 йилдаги биринчи нашрида таржимон исми-шарифи, табиийки, кўрсатилган эмас. Агар Чўлпоннинг шу асар таржимаси устида ишлагани ва хрестоматияга у ҳибсга олинганидан кўп ўтмай тартиб берилгани ҳисобга олинса, таржима катта эҳтимол билан унга тегишлидир. Худди шу китобга Чўлпон таржимасидаги

“Ҳамлет”нинг киритилгани ҳам шу фикр фойдасига далолат қилади. Кўриб турганимиздек, “Дон Кихот”нинг ўзбек тилига илк таржимаси Чўлпон томонидан амалга оширилгани ҳақида бевосита далил йўқ, фақат шунга далолат қиладиган бавосита далиллар бор, холос. Шунга кўра, “Чўлпон – “Дон Кихот” таржимони” деган фикр ҳозирча илмий фараз мақомида. Буни илмий фактга айлантириш учун таржима матнини услубий жиҳатдан тадқиқ этиш асосида муаллифликни тасдиқлаш зарур бўлади.

Яхшики, Пушкиннинг “Дубровский” қиссаси таржимонини аниқлаш масаласи бунга қараганда ойдинроқ. Чўлпон мазкур қиссани А.С.Пушкин вафотининг кенг кўламда нишонланган 100 йиллиги муносабати билан таржима қилган. Гарчи қиссанинг 1939 йилги алоҳида китоб шаклидаги нашрида мутаржим кўрсатилмаган бўлса-да, уни Чўлпонники дейишга асос берадиган бир қатор далиллар мавжуд. Аввало, 1937 йил апрелида Ўзбекистон ёзувчилар союзида сўзлаган нутқида Чўлпон Москвадан қайтганидан кейинги икки йилда хаста ҳолига қарамай амалга оширган ишлари қаторида “Дубровский” қиссаси таржимасини ҳам санайди [17. Б. 54]. Яъни қисса шунгача ўзбекчалаштириб бўлинган ва бу табиий ҳам. Чунки агар тадбирга тайёргарлик 1936 йилдаёқ жадал суръат олганини ҳисобга олсак, ташкилотчиларнинг ихтиёрий-мажбурий тарзда профессонал таржимонлик фаолияти билан шуғулланаётган Чўлпонни бу ишга жалб қилмасликлари мумкин эмас эди. Бироқ булар бари билвосита далиллар холос, уларга таяниб тугал ҳукм чиқариш маҳол. Экспедиция давомида О.Шарафиддинов ва Ж.Шарифийлар тайёрлаб, 1935 йилда чоп эттирган адабиёт дарслигини топишга муваффақ бўлдик. Дарсликка Чўлпон таржимасидаги “Дубровский” қиссаси қисқартирилган ҳолда киритилган [18. Б. 119–137]. Чиқиш маълумотларида дарслик 1935 йилнинг 19 июлида босмахонага берилгани қайд этилган. Бундан эса Чўлпон қисса таржимасига 1935 йилда киришган, деган табиий хулоса келиб чиқади. Шунингдек, бу факт қисса таржимасига юқоридаги тадбир муносабати билан эмас, балки дарслик муаллифлари буюртмаси билан киришилган, деган кучли эҳтимолни ҳам юзага чиқаради. Чўлпоннинг 1935 йил 10 майда эълон қилинган мақоласида “яқинда бир дарслик учун баъзи нарсалар таржима қилишга тўғри келди” [15. Б. 3] дегани эса бу эҳтимолни қувватлайди. Нима бўлганда ҳам, Чўлпон қўл урган таржима табиий равишда тадбир доирасидаги ишларга қўшилиб кетади. Шу боис ҳам Ҳ.Олимжон ва У.Носир ҳамкорликда эълон қилган мўъжаз мақолада сўнгги икки йилда амалга оширилган таржималар орасида Пушкиндан таржималар салмоқли ўрин эгаллашини таъкидлаб, саноқда Чўлпонни “Борис Годунов” ва “Дубровский” таржимони деб кўрсатадилар [4. Б. 4]. Дарсликка қайтсак, у икки йил давомида 4 бор нашр қилинган бўлиб, Чўлпон таржимаси 1937 йилдаги тўртинчи нашрга ҳам киритилган. Чиқиш маълумотларида дарслик 1937 йил 9 майда босмахонага берилгани қайд этилган. Демак, Чўлпон таржима қўлёзмасини (бу нашрда матн сезиларли каттарган) шу санага қадар нашриётга топширган. Дарсликни босишга 5 октябрда рухсат берилган. Кўриб турганимиздек, дарслик тайёр бўлган, босишга рухсат берилиши кутилаётган ёки ҳатто берилган (аслида тезда рухсат берилиши керак эди, чунки режага кўра дарслик 1 сентябргача босилиши ва тарқатилиши лозим бўлган) бир вақтда Чўлпон ҳибсга олинган. Дарсликлар чоп этишнинг қатъий муддатли режаси бор, бас, ноширларда вақтида улгуриш учун фақат битта йўл – таржима матнини қолдириб, таржимон исмини чиқариб ташлаш бор, холос. Вазиятни тасаввур қилиш учун яна Ш.Алиев мақоласига мурожаат этамиз: “Душманлар совет халқининг неча юз минглаб ўғул-қизларини китоп-дарсликсиз қолдиришқа муваффақ бўлдилар. Ўқувпедагогика нашриёти 1 сентябргача 119 ном дарслик чиқариши лозим бўлгани ҳолда шу пайтгача фақат 35 тача китоб чиқарган” [3. Б. 2]. Агар Ш.Алиев мақоласи 5 сентябрда эълон қилингани эътиборга олинса, дарсликлар билан таъминлаш режаси тамом барбод этилгани маълум бўлади. Бу вазиятнинг юзага келишида деярли тайёр дарсликлардан айрим муаллифлар ва асарларни чиқариш мажбурияти асосий омил бўлган. Шундай экан, вазиятдан чиқиш учун юқорида тавсифланган йўл тутилган.

Айтиш керакки, “Дубровский” қиссасидан ташқари дарсликка Чўлпон рус масалчиси Криловдан ўгирган “Квартет” ҳамда “Бўри билан қўзичоқ” масаллари ҳам киритилган. Манбаларда “Бўри билан қўзичоқ” масалининг таржимаси 1936 йилда “Муштум”да эълон қилингани айтилади. Ҳолбуки, бу масал ҳам худди “Дубровский” қиссаси каби дарслик учун ўгирилган.

“Муштум”даги нашридан фарқли, бунда масални киноя тарзида сиёсий вазият билан боғловчи эпиграф қўйилган эмас. Эҳтимол, илгарироқ таржима қилган асаридаги долзарб замонавий мазмунни кўра олган Чўлпон кейинча уни ўша мазмунга йўналтирувчи эпиграф билан таъминлаган ҳолда “Муштум”да эълон қилгандир. Чўлпон таржимасидаги “Квартет” масали эса бундан кейин умуман эълон қилинмаганидан, то шу пайтга қадар номаълум қолаётган эди.

Экспедиция давомида Чўлпон таржима қилган асарларгина эмас, балки унинг рус тилига таржима қилинган асарлари ҳам топилди. Жумладан, академик А.Н.Самойлович томонидан русчага ўгирилган “Революция” (Ағдарилиш”) шеъри Москвада чоп қилинган ”Звезда Востока” журналидан топилдики, ушбу нашр Ўзбекистон кутубхоналарида топилмаган эди. Бу таржима ҳақида ўз вақтида Ш.Турдиевгина маълумот берган [12. Б. 20] бўлиб, чамаси, у ҳам матнни топган эмас. Эҳтимол, домла А.Самойлович библиографиясига [2. Б. 590] ёки бошқа бир манбадаги маълумотларга таянгандир, лекин матнни кўрмаган, йўқса лоақал мақолада таржимага кенгроқ тўхталган бўлар эди.

Г.Шенгелининг шахсий архивидан Чўлпоннинг рус тилига ўгирилган “Клеопатра” ҳикояси ва тўртта шеърининг қўлёзмалари топилди. Уларнинг айримлари машинкаланган (чамаси, мутаржим уларни тугалланган деб ҳисоблаган) бўлса, бошқаларида турли тузатишлар киритилган, чизилган, ўчирилган ўринлар борлиги уларнинг устидаги иш ҳали якунланмаган деган фикрга олиб келади. Таржима учун танланган шеърларнинг иккитаси “Соз” тўпламига кирган (Октябрь”, “Норин дарё”), иккитасининг бўлса ўзбекча оригиналини аниқлаб бўлмади: Чўлпоннинг эълон қилинган ва бизга маълум шеърлари орасида таржима матнига мос келадигани йўқ. Уларнинг бири “Вахш”, иккинчиси эса “Солнце зимой” деб номланган. Ҳар икки таржима қўлёзмасининг юқори қисмида “Чолпан” деб ёзиб қўйилган, демак, шеърлар Чўлпон қаламига мансуб эканлигига шубҳа йўқ. Агар “Соз” тўплами 1935 йилда босилганини ёдга олсак, Г.Шенгелининг Чўлпон асарларини таржима қилишга киришиши 1936–1937 йилларга тўғри келишини тахминлаш мумкин. Шундай бўлса, ўзбекча асли топилмаган шеърлар Чўлпоннинг охирги – йўқ қилинган “Жўр” тўпламидан жой олганмикан? Катта эҳтимол билан шундай: Г.Шенгели Самарқандда ишлаган вақтлар Чўлпон билан ораларида самарали ижодий ҳамкорлик бўлган. Ўзи ўзбекчалаштирган Л.Андреевнинг “Осилган етти киши ҳикояси”ни китоб шаклида чоп эттираркан, Чўлпон уни профессор Шенгели қисқартириб берганини қайд эттириб қўйгани ҳам шундан далолат. Айтмоқчимизки, ўзига муносабат сал илиқлашиб, “Соз”ни чоп эттирган, энди романи ва “Жўр”ни чоп этишга шайланиб турган Чўлпон эски қадрдонидан айрим асарларини таржима қилишни сўраган бўлиши мумкин. Соддалиги ё некбинлигидан шеърлари, бўлиб ҳам, шўро даврини алқайдиган шеърлари рус тилида босилса, бошидаги хавф арир деб ўйлаган, умидланган бўлса мумкин. Яна бир гап, экспедиция давомида “Литературный Узбекистан” журналининг жуда яхши сақланган тўпламларини тўла қараб чиқдик. Маълум бўлдики, бу журнал 1935–1936 йилларда Чўлпоннинг “Осень” (1935, №1), “Река Нарын” (1936, №5–6), “Чирчик” (1935, №3) шеърларини чоп этганки, уларда ҳам шўро ҳукуматига хайрихоҳ, содир бўлаётган ўзгаришлардан рози лирик қаҳрамон гавдаланади. Бу ҳол Чўлпоннинг омма кўзида ўзи айтмоқчи “янги мен”ни, ҳозирчасига айтганда эса, “янги имиж”ни тугал шакллантиришга астойдил киришганини кўрсатади. Афсуски, уринишлари зоега кетди...

Дарвоқе, ўзимзда чоп қилинган бўлишига қарамай, “Литературный Узбекистан”даги учала шеър таржимаси ҳам то ҳозирга қадар номаълум қолиб келаётган эди. Шунинг ўзиёқ чўлпоншунослигимиз бўй-бастини чамалаш, унинг қаршисида турган муаммолар кўламини тасаввур қилиш имконини беради. Айтайлик, вилоят ва туман газеталари тахламлари орасида Чўлпоннинг ҳалигача бизга маълум бўлмаган шеърлари борлигини ким инкор қила олади? Ахир, “халқ душмани”нинг шеърларини эълон қилгани учун ҳибс қилинган муҳаррирлар бўлган, демак, улар ишлаган газеталар тахламларини тўла кўриб чиқиш зарур. Яна бир жиҳати: изланишларимизда “инкор қилиш ҳам – натижа” деган шиорни асос қилиш вақти етди. Яъни “бу газета ё журналда бўлмаса керак” демаслик керак. Аксинча, барча нашрлар тахламларини битта-битта кўздан ўтказиб, йўқ сонларини бошқа кутубхона ё архив тўпламларидан излаш – ҳаммасини кўриб чиққачгина “фалон нашрда Чўлпон асари йўқ” деган тўхтамга келиш мумкин. Зеро, шу тарзда келинган сама-

расиз натижа ҳам илм учун муҳим натижадир.

Мазкур мақола бажарилиши 2021–2022 йилларга мўлжалланган А-ОТ-2021-57 рақамли "Чўлпон ҳаёти ва ижоди манбаларининг электрон платформаси ва мобил иловасини яратиш" мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида тайёрланган.

Адабиётлар:

1. *Абдуллаева Д.З.* Чўлпон жаҳон шеърияти таржимони // Academic Research in Educational Sciences, 2021. Volume 2. Issue 11. – Б. 593-607.
2. *Самойлович А.Н.* Научная переписка. Биография / Российская акад. наук, Ин-т языкознания; сост., авт. ст. и биогр. Г.Ф.Благова. – Москва : Восточная литература, 2008. – 590 с.
3. *Алиев Ш.* Нашриёт соҳасидаги зиёнчилар ва уларнинг ҳомийлари // Қизил Ўзбекистон, 1937 йил 5 сентябрь.
4. *Алимджан Х., Насир У.* Пушкин на узбекском языке // Литературная газета, 1937 г. 26 мая. – № 28 (664).
5. Бадиий адабиёт ўзбек тилига таржимада. Библиографик кўрсаткич. – Тошкент: ЎзССР давлат китоб палатаси, 1990. – 214 б.
6. "Гулистон" журнали анонси // Қизил Ўзбекистон, 1935 йил, 258-сон.
7. *Йўлдошев Н.* Чўлпон ҳаёти ва ижоди библиографияси. – Тошкент: ТошДУ, 1992. – 31 б.
8. Отчет о командировке М.Салье в Ташкент в феврале-апреле 1936 г. // РГАЛИ ф-631, оп. 6, ед.хр. 118. – 48 с.
9. *Рахимов Т.А.* Переводческое мастерство Чулпана [На материале узб. переводов поэтич. и драм. Произведений А.С.Пушкина]. Дисс... канд. фил. наук. – Ташкент, 1993. – 24 с.
10. *Солиҳов М.Б.* Ўзбек театр тарихи учун материаллар. – Тошкент: Ўздавнашр, 1935. – 140 б.
11. *Сулаймон А.* Матбуотимиз. Ўзбек халқ календари. – Москва: Иттифоқ халқларининг марказий нашриёти, 1926. - Б. 45-46.
12. *Турдиев Ш.* Академик Самойлович ва ўзбек адабиёти // Ўзбек тили ва адабиёти, 2008. - № 2. - Б. 20-26.
13. *Турдиев Ш.* Ҳамкорликда гап кўп // Ёшлик, 2009. - № 4. – Б. 29-31.
14. *Чўлпон.* Ўзбек саҳнаси. Ўзбек халқ календари. – Москва: Иттифоқ халқларининг марказий нашриёти, 1926. – Б. 42-43.
15. *Чўлпон.* Кўлагада қолғанлар тўғрисида // Қизил Ўзбекистон. 1935 йил, 10 май.
16. *Чўлпон.* Фузулийнинг пичинглари // Гулистон, 1935. - № 10. – Б. 21-23.
17. *Чўлпон.* Асарлар. 4 жилдик. 4-жилд. – Тошкент: Akademnashr, 2016. – 320 б.
18. *Шарафиддинов О., Шарифий Ж.* Адабиёт. Ўрта мактаблар учун дарслик. – Тошкент: Ўздавнашр, 1935. – 160 б.
19. Ўзбекистонда 1917–1981 йилларда нашр қилинган қардош республикалар ёзувчиларининг асарлари. Давлат библиографик кўрсаткичи. – Тошкент: ЎзССР давлат китоб палатаси, 1983. – 254 б.

ABOUT THE NEWLY IDENTIFIED SOURCES REGARDING CHULPAN PUBLICISM AND TRANSLATION ACTIVITIES

D.H.Kuronov[1], I.A.Madgaziev[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 2022. 7(67). 37-45.

[1] Andijan State University, Andijan, 170100, str. University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: scientific expedition, archive, library, newspaper, source, translation, textbook, chrestomathy, bibliography

Among the many creators who were victims of repression, the gloomy and sources about the life and work of Abdulhamid Chulpan were not preserved in a holistic way – in the form of an archive of the writer. In this situation, there is a need to consider one by one the pseudonyms of newspapers and magazines of that time, in which similar materials were printed.

Not all issues of these periodicals have been preserved in the funds of libraries in our country against happiness; even when they were stored, the sheets of certain numbers were torn, and sometimes a separate material was cut off or a certain part of it came to an unreadable state.

This situation also creates the need to look for materials in the funds of foreign libraries. On this path, in accordance with the plan of the Ministry of innovative development of the Republic of Uzbekistan for the practical project on the topic ‘Cho`lpon hayoti va ijodi manbalarining elektron platformasi va mobil ilovasini yaratish’ (‘Creation of an electronic platform and mobile application for the sources of life and creativity of Chulpon’), research was carried out in July-August this year in Moscow, the Russian Federation, at the newspaper Foundation and the center.

The all result was that esa managed to identify some of Chulpan's works that were still unknown or, Although known, did not have a full text. This article details the newly identified information and sources concerning Chulpan's creative biography during the scientific expedition.

A major representative of Chulpan's Oriental classical literature is dedicated to Fuzuli's work ‘The Bastards of Fuzuli’, the history of the Uzbek theater and the press are reflected ‘O`zbek sahnasi’ (‘Uzbek Scenic’) and ‘Matbuotimiz’ (‘Our Press’) are named, of the representatives of Russian and European literature, A.S.Pushkin, I.A.Krylov a number of translations made by Krylov and Cervantes, also, scientific information was provided on the news related to the initial

It was also found that some works were given a wrong ratio to Chulpon in the case of flipping through newspaper-magazine aliases, with which the bibliography of the writer was clarified. In particular, in the bibliography compiled by Yuldashev, the ratio to Chulpon is given ‘Dohiydan o`rganish’ (‘Learning from Genius’) the fact that the article named is actually Oybek's, so, in the bibliographic index ‘Badiiy adabiyot o`zbek tiliga tarjimada’ (‘Fiction in translation into Uzbek’), the translation of Metsheryakov's story ‘Keshinning o`rtog`i’ (‘Keshin's comrade’)’ was also mistakenly attributed to Chulpon, in fact, the translation of this story is determined that it was carried out by the F.Sefi.

References:

1. Abdullaeva, D.Z. (2021) Cho‘lpon jahon she’riyati tarjimoni [Cholpan is a translator of world poetry]. *Academic Research in Educational Sciences*. Volume 2. Issue 11. Pp. 593-607.

2. Samoylovich, A.N. (2008) *Nauchnaya perepiska. Biografiya* [Scientific correspondence. Biography]. Moscow: Vostochnaya literatura.

3. Aliyev, Sh. (1937) *Nashriyot sohasidagi ziyonchilar va ularning homiylari* [The losers in the publishing industry and their patrons]. *Qizil O‘zbekiston*. September 5.

4. Alimdjan, X., Nasir, U. (1937) Pushkin na uzbekskom yazike [Pushkin in Uzbek]. *Literaturnaya gazeta*. May 26.

5. (1990) *Badiiy adabiyot o‘zbek tiliga tarjimada. Bibliografik ko‘rsatkich* [Fiction translated into Uzbek. Bibliographic index.]. Tashkent: O‘zSSR davlat kitob palatasi.

6. *“Guliston” jurnali anonsi* (1935) [‘Guliston’ magazine announcement]. *Qizil O‘zbekiston*. No 258.

7. Yuldashev, N. (1992) *Cho‘lpon hayoti va ijodi bibliografiyasi* [A bibliography of Cholpon's life and works]. Tashkent: ToshDU.

8. *Otchet o komandirovke M.Salye v Tashkent v fevrale-aprele 1936 g.* (1936) [Report on the business trip of M. Salye to Tashkent in February-April 1936]. Rossiyskiy gosudarstvenniy arxiv literaturi i isskustva (RSALA). Fund-631, List-6, Folding Volume-118. Pp. 48.

9. Rakhimov, T.A. (1993) *Perevodcheskoye masterstvo Chulpana* [Chulpan's translation skills]. Dissertation for the degree of Candidate of Philological Sciences. Tashkent.

10. Solikhov, M.B. (1935) *O‘zbek teatr tarixi uchun materiallar* [Materials for the history of Uzbek theater]. Tashkent: O‘zdavnashr.

11. Sulaymon, A. (1926) *Matbuotimiz. O`zbek xalq kalendari* [Our press. Uzbek folk calendar]. Moscow: Ittifoq xalqlarining markaziy nashriyoti.

12. Turdiyev, Sh. (2008) Akademik Samoylovich va o‘zbek adabiyoti [Academician Samoylovich and Uzbek literature]. *O‘zbek tili va adabiyoti*. No 2.

13. Turdiyev, Sh. (2009) Hamkorlikda gap ko‘p [There is a lot to say about cooperation]. *Yoshlik*. No 4.

14. Cholpon. (1926) *O‘zbek sahnasi* [Uzbek scene]. Moscow: Ittifoq xalqlarining markaziy nashriyoti.

15. Cholpon. (1935) Ko‘lagada qolg‘anlar to‘g‘risida [About those who remained in the shadows]. *Qizil O‘zbekiston*. May 10.

16. Cholpon. (1935) Fuzuliyning pichinglari [Fuzuli's pitches]. *Guliston*. No 10.

17. Cholpon. (2016) *Asarlar.* 4 jildik. 4-jild [Works. 4 volumes. Volume 4]. Tashkent: Akademnashr.

18. Sharafiddinov, O., Sharifiy, J. (1935) *Adabiyot.* O‘rta maktablar uchun darslik [Literature. Textbook for secondary schools]. Tashkent: O‘zdavnashr.

19. (1983) *O‘zbekistonda 1917-1981 yillarda nashr qilingan qardosh respublikalar yozuvchilarining asarlari.* Davlat bibliografik ko‘rsatkichi [Works of the writers of sister republics published in Uzbekistan in 1917-1981. State bibliographic index]. Tashkent: O‘zSSR davlat kitob palatasi.

Муаллифлар ҳақида маълумот:

ҚУРОНОВ Дилмурод Ҳайдаралиевич – филология фанлари доктори, Андижон давлат университети Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси профессори. E-mail: kuronov@rambler.ru

МАДҒОЗИЕВ Искандаршоҳ Абдувосит ўғли – Андижон давлат университети Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси ўқитувчиси. E-mail: madgaziev93@mail.ru